

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD. 03/30.12.2019. Tar.78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЛЛАНАЗАРОВ МУРОТ МИРЗАЕВИЧ**

**БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ РАҲБАР**  
**АРБОБЛАР ВА КАДРЛАР ФАОЛИЯТИ**  
**(1920-1924 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз - 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Алланазаров Мурот Мирзаевич**

Бухоро Халқ Совет Республикасида миллий раҳбар арбоблар ва кадрлар фаолияти (1920-1924 йй.).....3

**Алланазаров Мурот Мирзаевич**

Национальные государственные деятели в Бухарской Народной Советской Республике и деятельность кадров (1920-1924 гг.).....27

**Allanazarov Murot Mirzayevich**

Activities of national leaders and cadres in the Bukhara People's Soviet Republic (1920-1924 years)..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 55

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD. 03/30.12.2019. Tar.78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЛЛАНАЗАРОВ МУРОТ МИРЗАЕВИЧ**

**БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ РАҲБАР**  
**АРБОБЛАР ВА КАДРЛАР ФАОЛИЯТИ**  
**(1920-1924 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз - 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Tag597 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тил (ўзбек, рус, инглиз)да Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.terduz.uz](http://www.terduz.uz)) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим тармоғи порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Ражабов Қаҳрамон Кенжаевич тарих фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Қобулов Эшболта Отамуродович тарих фанлари доктори, профессор  Шаймардонов Ибодулла тарих фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Қарши давлат университети


Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/30.12.2019.Tag.78.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 24-11 соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол Авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (99876) 221-74-55, факс (376) 221-71-17, e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz)). Термиз давлат университети, Тарих факультети (фаоллар зали).


Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (86-рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, ТерДУ Баркамол Авлод кўчаси, № 43 уй. Тел.: (99876) 224-15-82, факс: (376) 221-74-55, 221-71-17 e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил «11» 11 куни тарқатилди.  
(2022 йил «11» 11 даги 14 рақамли реестр баённомаси).



  
С. Н. Турсунов  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори, профессор

  
Х. Э. Холмўминов  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, тарих фанлари номзоди, доцент

  
Э.А. Қобулов  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кундаги глобаллашув жараёнлари жаҳон мамлакатлари олиб бораётган сиёсатда муҳим роль ўйнамоқда. Ҳар бир мамлакатнинг давлат сиёсатида миллий раҳбар арбоблар ва кадрлар фаолияти салмоқли хусусият касб этиб, замонавий мутахассислар тайёрлаш жараёни тобора кўпроқ ҳал қилувчи босқичга кирмоқда. Асрлар давомида такомиллашиб келган давлат бошқарувидаги миллий сиёсий элита ҳамда раҳбар ходимлар фаолиятидаги уйғунликни таъминлаш айти пайтда жаҳон ҳамжамияти олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Дунёнинг АҚШ, Германия, Франция, Россия, Туркия каби давлатлардаги илмий муассасаларда XX асрнинг биринчи чорагида Туркистон минтақасида кечган мураккаб сиёсий ва ижтимоий жараёнлар тадқиқ этилмоқда. Айниқса, Бухоро Халқ Совет Республикасининг ички ва ташқи сиёсати, миллий кадрлар тайёрлаш, давлатлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар, аҳолининг янги ҳукуматга муносабати, большевиклар сиёсати ҳамда қизил армияга қарши кураш масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган муҳим ислохотлар ва ўзгаришлар, жойларда маҳаллий давлат идоралари ва ҳокимликлар фаолиятини тубдан ўзгартириш сари қилинаётган хатти-ҳаракатлар халқимиз томондан қўллаб-қувватланмоқда. Шунингдек, мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихини холис ва ҳаққоний яратиш учун имконият ва шароит туғилди. БХСР тарихининг кўп жиҳатлари кейинги йилларда яратилган тадқиқотларда ёритилди. Бироқ Бухоро Халқ Совет Республикасида миллий раҳбар арбоблар ва кадрлар тайёрлаш фаолияти ҳозиргача махсус илмий тадқиқот сифатида алоҳида ўрганилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2980-сон “2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5598-сон Фармойиши ҳамда соҳага оид бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлани-шининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** БХСРда миллий раҳбар арбоблар ва кадрлар фаолияти мавзусида яратилган тарихий тадқиқотларни қуйидаги учта гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) совет даврида яратилган

адабиётлар; 2) мустақиллик йилларида ёзилган тарихий тадқиқотлар; 3) хорижий муаллифларнинг асарлари.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида яратилган тадқиқотларнинг муаллифлари асосан Бухородаги тараққийпарварлар ҳаракати ва Бухоро Халқ Совет Республикаси раҳбарларидан Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Абдулқодир Муҳитдинов<sup>1</sup> ҳамда Туркистон АССРдаги Назир Тўрақулов, Турор Рисқулов ва Георгий Сафаров<sup>2</sup> каби сиёсий арбоблар бўлиб, уларнинг асарларида Бухородаги жадиличлик ҳаракати ва Ёш бухороликлар фаолияти, амирлик тузумининг афдарилиши, Бухоро Халқ Совет Республикасининг ташкил топиши ва фаолияти, БХСРдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлар ёритилган.

XX аср 50-80-йилларида яратилган тарихий тадқиқотларда<sup>3</sup> БХСР тарихининг турли жihatлари коммунистик мафкура ва совет давлати сиёсатига мослаб тадқиқ этилди. Хусусан, А.Бобохўжаев, О.Эшонов, А.Алиев, А.Гордиенко, М.Ваҳобов, С.Зиманов, Ҳ.Иноят, И.Погорельский, М.Иркаев ўз асарларида БХСР тарихи ва маданияти, қизил армиянинг фаолияти, совет давлатчилиги қурилиши масалалари, Бухоро Коммунистик партиясининг раҳбарлик ва ташкилотчилик ҳолатини ёритдилар. Бухоро Халқ Совет Республикасининг 50 йиллиги муносабати билан Москвада БХСР ва ХХСР тарихига оид коллектив монография<sup>4</sup> нашр этилди. Айниқса, БХСР ва ХХСР тарихига ҳужжатлар тўпламлари<sup>5</sup> ҳамда минтақавий конференция материалларининг<sup>6</sup> чоп этилиши муаммо тарихшунослигини бойитиш билан биргаликда мавзу манбашунослиги таҳлили соҳасида ҳам янги босқични бошлаб берди.

---

<sup>1</sup> Файзулла Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Тошкент: Ўздавнашр, 1926; Садриддин Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлари Марказий давлат нашриёти, 1926; Фитрат. Давраи ҳукмронии Амир Олимхон (Бо муқаддимаи А.Муҳитдинов). – Сталинобод, 1930.

<sup>2</sup> Сафаров Г.И. Колониальная революция (Опыт Туркестана). – Москва: Госиздат, 1921; Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Сборник статей, докладов, речей и тезисов с предисловием автора. Часть I. 1917 – 1919 гг. – Ташкент: Узбекгосиздат, 1925.

<sup>3</sup> Ишанов А. Создание Бухарской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.). – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1955; Ўша муаллиф. Бухарская Народная Советская Республика. – Ташкент: “Узбекистан”, 1969; Бобохўжаев А. Совет давлатини де-факто ва де-юре таниш даврида Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқда инглиз антисовет сиёсатининг барбод бўлиши (1919-1924 йиллар). – Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, 1959; Алимов И. Аграрные преобразования в Хорезме и Бухаре (1920 – 1924). – Ташкент: “Узбекистан”, 1970; Очерки истории Коммунистических партий Туркестана, Бухары и Хорезма [Коммунистические партии Туркестана, Бухары и Хорезма в период национально-государственного размежевания в Средней Азии]. – Ташкент: Госиздат Узбекской ССР, 1959; Гордиенко А. Создание народно-советского государства и права и их революционно-преобразующая роль в Хорезме и Бухаре. – Ташкент: Изд. САГУ, 1959; Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миллати. – Тошкент: Ўздавнашр, 1960; Иркаев М. История гражданской войны в Таджикистане. – Душанбе, 1963; Зиманов С. От освободительных идей к советской государственности в Бухаре и Хиве. – Алма-Ата: “Наука”, 1976; Погорельский И. История Хивинской революции и Хорезмской Народной Советской Республики (1917 – 1924 гг.). – Ленинград: Изд. Ленинградского университета, 1984.

<sup>4</sup> История Бухарской и Хорезмской Народных Советских Республик. – Москва: «Наука», 1971.

<sup>5</sup> История Бухарской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.). Сборник документов. – Ташкент: “Фан”, 1976; История Хорезмской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.). Сборник документов. – Ташкент: “Фан”, 1976.

<sup>6</sup> 50 лет История Бухарской Народной Советской революции. Материалы научной сессии. г.Бухара. 13-14 ноября 1970 г. – Ташкент: Фан, 1972; 50 лет История Хорезмской Народной Советской революции. Материалы научной сессии. г.Хива – г.Ургенч. 3-4 декабря 1970 г. – Ташкент: Фан, 1972.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида яратилган коллектив монографиялар ва фундаментал тадқиқотларда<sup>7</sup>, шунингдек, турли солнома ва дарсликларда<sup>8</sup> БХСР тарихи янгича методологик концепция ва ёндашув асосида ёритилди. XX аср 90-йиллари бошларида яратилган Ф.Қосимов, С.Иноят, У.Рашидов, Д.Алимова ва бошқаларнинг монографияларида<sup>9</sup> мавзу тарихининг айрим жиҳатлари ва тарихшунослиги масалалари тадқиқ этилди. Бухородаги жадидчилик ҳаракати ва БХСР тарихининг турли томонлари ёритилган қатор диссертациялар<sup>10</sup> ҳимоя қилинди.

Тарихчи олим Қ.Ражабов сўнгги 30 йил мобайнида Ёш бухороликлар фаолияти ва Бухорода амирлик тузумининг ағдарилиши, Бухоро Халқ Совет Республикасининг ташкил топиши, ҳукумат раиси ва нозирлар фаолияти, Бухорода қизил армияга қарши олиб борилган қуроли ҳаракат, БХСР раҳбарларига нисбатан совет режимининг қатағон сиёсати тўғрисида кўплаб китоблар ва тарихий тадқиқотлар яратди<sup>11</sup>. У “Файзулла Хўжаев”, “Усмон

<sup>7</sup> Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор: Р.Я.Раджапова. –Ташкент: «Шарк», 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир: М. Жўраев. – Тошкент: “Шарк”, 2000; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917-1939 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2019.

<sup>8</sup> Ражабова Р.Ё. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1993 йиллар). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1994; Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган олтинчи нашр. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2015; Rajabov Q., Zamonov A. O‘zbekiston tarixi (1917 – 1991 yillar). 1-nashri. –Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2017.

<sup>9</sup> Қосимов Ф. Бухоро республикаси тарихшунослиги. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 1996; Иноят С., Алауов А. Бухарский дом просвещения в Москве. – Навои, 1996; Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси (1920 – 1924 й.). –Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2003.

<sup>10</sup> Мухамеджанова Л.П. Общественно-политическая ситуация в Бухаре в начале XX века и развитие демократического движения(1908 – 1920 гг.): Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 1999; Астанова Г.О. Историография политических процессов в Бухаре в 1920 – 1924 гг.: Автореф.дис. ... канд.ист.наук. – Ташкент, 2008; Раҳмонов К.Ж. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари – Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихини ўрганиш манбаси.: Тарих фанлари номзоди ... диссертация автореферати. – Тошкент, 2009; Мўминов Д.Н. Ўрта Бухоро ва Шарқий Бухорода қизил армияга қарши қуроли ҳаракат (1920 – 1926 йиллар): Тарих фанлари номзоди ... диссертация автореферати. – Тошкент, 2010; Пардаев А.А. Бухоро ва Хоразмдаги иқтисодий кенгашлар фаолияти (1920 – 1924 йиллар): Тарих фанлари номзоди ... диссертация автореферати. – Тошкент, 2012; Жамолова Д.М. Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019; Темиров Ф. Садриддин Айнийни Бухородаги жадидчилик ҳаракатида тутган ўрни ва ижтимоий фаолияти. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020; Амонова Ф. Бухоро амирлиги иқтисодиётида саноат корхоналарнинг тутган ўрни (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2021; Янгибоева Д. Шарифжон Садри Зиёнинг Бухоро илмий, маданий муҳитида тутган ўрни ва ижтимоий фаолияти (1865-1932 й.) Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Термиз, 2021; Нуридинов Т. Бухоро Халқ Совет Республикасининг ташқи алоқалари (1920-1924 й.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2021; Ҳайитов У. Файзулла Хўжаевнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва унинг Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларда тутган ўрни. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Бухоро, 2022 ва б.

<sup>11</sup> Ражабов Қ.К. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917 – 1935 йиллар). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2000; Ўша муаллиф. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920 – 1924 йиллар). – Тошкент: “Маънавият”, 2002; Ўша муаллиф. Файзулла Хўжаев. – Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2011; Ўша муаллиф. БХСР собиқ раҳбарларининг 1937 йилда қатағон қилиниши // Ўзбекистонда совет давлатининг қатағон сиёсати: келиб чиқиши сабаблари ва фожиали оқибатлари (Илмий мақолалар тўплами). – Тошкент, 2012. – Б.64-75; Ўша муаллиф. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918 – 1924 йиллар). – Тошкент: “Yangi nashr”, 2015; Ражабов Қ., Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа. – Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2011; Ражабов Қ., Ражабов Д. Ҳамро Полвон. – Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2011; Ражабов Қ., Иноят С. Бухоро тарихи. – Тошкент: “Tafakkur”, 2016; Ражабов Қ., Бекмуратов Х. Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тарихидан. –Тошкент: “Tafakkur”, 2017;

Хўжа” ва “Ҳамро Полвон” тарихий рисолаларини 2011 йилда чоп эттирди. “Бухоро тарихи” монографиясида БХСР раҳбарлари фаолиятини ҳам ёритди.

Муаммонинг айрим жиҳатларини сўнгги йилларда И.Алимов, Ш.Ҳайитов, Л.Мухамеджонов, С.Турсунов, Э.Қобулов, Ш.Давлатова, Ф.Амонова, О.Рашидов ўзларининг монографияларида ёритган<sup>12</sup>. Бухорода 2018 ва 2021 йилларда ўтказилган конференцияларда<sup>13</sup> БХСР раҳбари Файзулла Хўжаев фаолияти атрофлича тадқиқ этилди.

Бухоро Халқ Республикаси ташкил қилинганлигига 100 йил тўлиши муносабати билан 2020 йил 2 сентябрда АҚШ, Туркия, Ўзбекистон ва Қозоғистон тарихчи олимлари иштирокида ўтказилган онлайн халқаро симпозиумда қилинган маърузалар Истанбул ва Тошкентда турк ва ўзбек тилларида алоҳида китоб ҳолатида нашр қилинди<sup>14</sup>.

Собиқ Совет Иттифоқи тарқалгач, қўшни давлатлар Тожикистон<sup>15</sup> ва Россия Федерациясида<sup>16</sup> чоп этилган айрим тадқиқотларда БХСР тарихининг баъзи жиҳатлари ва ревкомлар фаолияти ўрганилди.

Туркия, Германия ва АҚШда Усмон Хўжа, Аҳмад Заки Валидий Тўғон, Боймирза Ҳайит, Адиб Холид, Темур Хўжаўғли томонидан чоп этилган хорижий тадқиқотларда<sup>17</sup> Бухоро амирлиги ҳокимиятига қарши курашган Ёш бухоролик жадидлар фаолияти, Бухоро Халқ Республикасининг тузилиши ҳамда миллий арбобларнинг совет режими томонидан қатағон қилиниши кўрсатилган.

---

Ражабов Қ. Туркистон Мухторияти вазирлари ҳамда Миллий Мажлис аъзолари ҳаёти ва тақдири. – Тошкент: Vodomzor invest, 2021 ва б.

<sup>12</sup> Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920 – 1924 й.). – Тошкент: «Фан», 2004; Ўша муаллифлар. Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Шарқ мамлакатлари (1920 – 1924 й.). – Бухоро, 2004; Ҳайитов Ш., Бадриддинов С., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодий, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт (1920 – 1924 й.). – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2005; Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917 – 1991 йиллар). – Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2008; Алимов И. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917 – 1929 йиллар). – Тошкент: “Фан”, 2009; Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида (1920 – 1924 йиллар). – Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2012; Турсунов С., Қобилов Э., Муртазоев Б., Пардаев Т. Сурхондарё тарихи – Тошкент: “Шарқ”, 2004., Қобилов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги (XVIII – XX аср бошларида). – Тошкент: “Akademnashr”, 2012; Амонова Ф. Бухоро амирлиги иқтисодий тарихий назар (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Тошкент: “Yangi nashr”, 2013; Пардаев А. Бухоро ва Хоразмдаги иқтисодий кенгашлар фаолияти (1920 – 1924 йиллар). – Тошкент: “Yangi nashr”, 2015; Давлатова Ш. Ўзбекистонда бошқарув структурасининг шаклланиши ва тараққиётида миллий масаланинг тутган ўрни (XX асрнинг 20-йиллари). – Тошкент: “Navro’z”, 2016; Мухамеджанова Л. Бухорода жадидчилик ҳаракати тарихидан. – Бухоро: Дурдона, 2019; Ҳайитов Ш., Раҳмонов К., Ахмадов О. Бухоро ва бухорийларнинг жаҳоний шухрати. – Тошкент: Наврўз, 2020; Рашидов О. Ўзбекистонда совет бошқаруви структурасидаги маҳаллийлаштириш сиёсати (1917-1933 й.). – Тошкент: Наврўз, 2020; Ўша муаллиф. Файзулла Хўжаев миллий манфаатлар ва сиёсий курашлар майдонида. – Тошкент: Muharrir, 2021 ва б.

<sup>13</sup> Файзулла Хўжаев – инсон, сиёсат арбоби ва миллат фидойиси. Республика илмий-назарий конференция (халқаро миқёсдаги олимлар иштирокида) материаллари тўплами (2018 йил 12 май). – Бухоро, 2018; Файзулла Хўжаев – мутафаккир, маърифатпарвар ва ислохотчи. Республика илмий-назарий анжумани материаллари (2021 йил 21 декабрь). – Бухоро, 2021.

<sup>14</sup> Buxoro Cumhuriyeti 101 Yasinda. Buxoro Jumhuriyati 101 Yoshda. Xalqaro Simpozium maqolalari (02.09.2020). – Istanbul: Kutlu Yaumevi; Taşkent: “Mumtoz” nashriyoti, 2021.

<sup>15</sup> Хотамов Н. Свержение эмирского режима в Бухаре. – Душанбе, 1997; Гафуров А. Ревкомы Таджикистана (1917-1924 гг.). – Душанбе, 2008.

<sup>16</sup> Генис В. “С Бухарой надо кончать...” К истории бушафорских революций. – Москва: МНПИ, 2001;

<sup>17</sup> A. Zeki Velidi Togan. Bugunku Turk ili (Turkistan) va Yakın tarihi. – Istanbul, 1942-1947; Baymirza Hayit. Turkistan Devletlerinin Milli Mugadeleleri Tarihi. – Ankara, 1995; Adeeb Khalid. Making Uzbekistan. Nation, Empire, and Revolution in the Early USSR. Cornell university press. – Ithaca and London, 2015.



Бироқ бу тарихий тадқиқотларда асосан Бухорога қизил армиянинг ҳужуми натижасида амирлик тузумининг ағдалиши, БХСРнинг тузилиши ҳамда ундаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар хусусида сўз боради. Бухоро Халқ Совет Республикасида миллий раҳбар арбоблар ва кадрлар фаолияти ҳамда уларнинг совет режими томонидан қатағон қилиниши жиддий тадқиқ этилмаган. Муаммонинг бу жиҳатлари мазкур мавзунинг алоҳида тадқиқот объекти сифатида танлаб олиншига имкон яратди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Термиз давлат университети ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИФА-2012-1-4-сонли “Ўзбекистоннинг совет давридаги тарихи (1917-1991 йиллар). 2-жилд” (2012-2013 й.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Бухоро Халқ Совет Республикасида миллий раҳбар арбоблар ва кадрлар фаолиятини ёритиш, совет режими томонидан кейинчалик уларнинг қатағон қилинишини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

Бухоро Халқ Совет Республикасининг ташкил топиши ва янги типдаги раҳбар ходимларнинг шаклланишини ёритиш;

БХСР да кадрлар сиёсатининг асосий хусусиятларини очиб бериш;

Бутунбухоро Марказий Инқилобий Қўмитаси ва ревкомларнинг ташкил этилиш жараёнини ўрганиш;

БХСР Халқ Нозирлар Шўроси ва миллий раҳбар ходимлар фаолиятини таҳлил қилиш;

Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси ва давлат бошқарувида маҳаллий кадрларнинг тутган мавқеини ёритиш;

Маориф ва соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритган кадрлар фаолиятини ўрганиш;

БХСР иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари ва қўшни давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларини очиб бериш;

Бухоро Иқтисодий Кенгаши ва маҳаллий кадрлар тайёрлаш масалаларини архив манбалари асосида ёритиш кўзда тутилган.

**Тадқиқотнинг объекти** 1920-1924 йилларда Бухоро Халқ Совет Республикасида миллий раҳбар ходимлар фаолияти қилиб белгилаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни мазкур даврда БХСР давлат бошқарувида муҳим роль ўйнаган миллий арбоблар ҳамда мутахассис кадрлар ҳаёти, уларнинг давлат ва ҳукуматда иштироки ҳамда бу даврдаги тарихий жараёнлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари** сифатида ишда тарихий тамойил, тизимли ёндашув, мантиқийлик, хронологик, фанлараро ёндашув ва қиёсий таҳлил ҳамда муаммога цивилизация ёндашув усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги:** Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил қилинган, Ёш бухоролик жадидлар янги типдаги раҳбар ходимларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратганлиги, замонавий асосда кадрлар

сиёсати ва мутахассис кадрлар тайёрлаш механизмини ишлаб чиққанлиги асосланган;

БХСР даги давлат ва ҳукуматнинг энг юқори идоралари (Бутунбухоро Марказий Инқилобий Қўмитаси, БХСР Халқ Нозирлар Шўроси ҳамда БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси) мамлакат бошқарувида миллий раҳбар ходимлар фаолиятига алоҳида эътибор берганлиги, маориф ва соғлиқни сақлаш тизимида маҳаллий мутахассис кадрлар мавқеини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратганлиги исботланган;

Бухорода иқтисодиёт соҳасида ўқимишли ва замонавий мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммолари долзарб бўлганлиги, Бухоро Иқтисодий Кенгаши бу соҳада Марказ тазйиқларидан чўчимай, мустақил сиёсат юритганлиги далилланган;

БХСР нинг Файзулла Хўжаев бошчилигидаги йигирма нафардан ортиқ собиқ миллий раҳбар арбоблари совет режими томонидан қатағон қилинганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Бухоро Халқ Совет Республикасида миллий раҳбар арбоблар ва кадрлар фаолияти тўғрисидаги фикрлардан Ўзбекистоннинг XX аср 20-йиллари тарихини ёритишда фойдаланиш мумкин;

БХСРда кадрлар сиёсатининг асосий хусусиятлари, миллий раҳбар арбоблар фаолияти ҳамда Марказ вакиллари билан маҳаллий етакчилар ўртасидаги зиддиятлар, совет режими томонидан кейинчалик БХСР собиқ раҳбарларининг қатағон қилиниши тўғрисидаги архив ҳужжатлари ва тарихий манбалар илмий муомалага илк марта киритилди;

Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва ўқитиш учун муҳим амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда тарих фанида тан олинган илмий ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, илмий адабиётлар ва тарихий манбалардан фойдаланилгани, хусусан, архив ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари ҳамда турли эсдалик ва хотираларнинг илмий муомалага киритилганлиги, шунингдек, тадқиқотдаги хулоса, таклиф ва тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти БХСРдаги миллий раҳбар арбоблар ҳамда кадрлар фаолиятини тарихийлик ва холислик асосида ёритилиши бу соҳадаги илмий билимларни чуқурлаштириш ҳамда мазкур муаммога оид назарий хулосаларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан бугунги кунда Ўзбекистоннинг совет ҳокимияти йилларидаги тарихи бўйича илмий изланишлар олиб борилди, мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабалари ҳамда давлат бошқаруви идоралари учун турли дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари яратишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бухоро Халқ Совет Республикасида миллий раҳбар арбоблар ва кадрлар фаолияти мавзусига оид

ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида: Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил қилинган, Ёш бухоролик жадинлар янги типдаги раҳбар ходимларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратганлиги, замонавий асосда кадрлар сиёсати ва мутахассис кадрлар тайёрлаш механизмини ишлаб чиққанлиги ҳамда БХСР даги давлат ва ҳукуматнинг энг юқори идоралари (Бутунбухоро Марказий Инқилобий Қўмитаси, БХСР Халқ Нозирлар Шўроси ҳамда БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси) мамлакат бошқарувида миллий раҳбар ходимлар фаолиятига алоҳида эътибор берганлиги, маориф ва соғлиқни сақлаш тизимида маҳаллий мутахассис кадрлар мавқеини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратганлиги тўғрисидаги илмий-тарихий маълумотлардан “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Тақдимот” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2022 йил 11 февралдаги 06-31-352-сон маълумотномаси). Тақдим этилган материаллар кўрсатув мазмунини мукаммаллаштиришга, илмий далиллар билан бойитишга хизмат қилган;

Бухорода иқтисодиёт соҳасида ўқимишли ва замонавий мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммолари долзарб бўлганлиги, Бухоро Иқтисодий Кенгаши бу соҳада Марказ тазйиқларидан чўчимай, мустақил сиёсат юритганлиги ҳамда БХСР нинг Файзулла Хўжаев бошчилигидаги йигирма нафардан ортиқ собиқ миллий раҳбар арбоблари совет режими томонидан қатағон қилинганлиги хусусидаги янгиликлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида 2012-2013 йилларда бажарилган ИФА-2012-1-4-сон “Ўзбекистоннинг совет давридаги тарихи (1917-1991 йиллар), 2-жилд” лойиҳаси доирасида тайёрланган “Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар)” номли академик нашрда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2022 йил 1 мартдаги 3/1255-496-сон маълумотномаси). Натижаларнинг жорий қилиниши Бухоро Халқ Совет Республикасида миллий раҳбар арбоблар ва кадрлар фаолиятини ўрганиш учун кенг имконият яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та илмий конференцияларда, шу жумладан, 2 та халқаро конференция ҳамда 6 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та (улардан 6 таси республика ва 3 таси хориж журналларида) мақола, 8 та (улардан 2 таси халқаро ва 6 таси республика) илмий-амалий анжуманларда тезислар эълон қилинган. Шунингдек, республика журналларида 2 та мақола ҳам нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 122 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, унинг ўрганилиш даражаси, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“БХСРнинг ташкил топиши ва янги типдаги раҳбар ҳодимларнинг шаклланиши”** деб номланган биринчи бобда Бухоро Халқ Совет Республикасининг тузилиши ва ундаги бошқарув усули, БХСРда кадрлар сиёсатининг асосий хусусиятлари каби масалалар ёритилган.

Ўзбек халқи ҳаётида ХХ аср дастлабки чорагида муҳим ҳодисалар юз берди. Бу пайтда Россия империяси мустамлакачилиги шароитида ҳамда Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида монархик тузумда яшаган халқимиз озодлик ва мустақиллик ғояларини кўтариб майдонга чиқди. Туркистон тараққийпарварлари ва жадидлар бу курашга бошчилик қилишди. Бухоро амирлиги ҳудудида ҳам Ёш бухороликлар партияси ислоҳотлар ўтказиш учун сиёсий кураш майдонига кирди.

Бухоро амирлигида ҳам 1917-1920 йилларда сиёсий вазият таранглашди. Тошкентда ноқонуний ўрнатилган совет ҳокимияти ҳамда большевиклар 1918 йил эрта баҳорида (Туркистон Мухторияти ҳукумати Кўконда тор-мор қилингандан сўнг) Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети раиси Ф.Колесов бошчилигида Бухорога ҳарбий ҳужум уюштирди<sup>18</sup>. 1918 йил март ойининг бошларида Бухорога қилинган Колесов ҳужуми муваффақиятсизликка учраб, ҳар икки ўртада 1918 йил 25 мартда Қизилтепа темир йўл станциясида битим имзоланди. Бу битимни Туркистондаги совет ҳокимияти номидан қизил гвардиячилар отряди комиссари В.Шмидт, Бухоро амирлиги томонидан бош закотчи Мирза Салим Парвоначи (Мирза Салимбек) имзолашди<sup>19</sup>.

1920 йил 2 сентябрда Бухорода амирлик тузуми қизил аскарлар томонидан қурол кучи билан афдариб ташланган. Ўша куни қизил аскарлар Бухоро ҳукмдорларининг қароргоҳи – Арк (Арки Олий)ни эгаллаб, унинг устига ўз байроқларини тикладилар. Қизил армиянинг Бухородаги босқинига бошчилик қилган М.В.Фрунзе Москвага – РСФСР ХКС раиси В.И. Ленинга телеграмма йўллаб, Эски Бухоро қалъаси қўлга киритилганлиги ҳамда “Бухоро мустабидлари ва қора гуруҳларининг охириги таянчи тугатилган” лигини “зўр мамнуният” билан таъкидлайди<sup>20</sup>.

1920 йил 14 сентябрда бўлган Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси, Инқилобий Кўмитаси ва Бухоро Компартияси Марказий Комитетининг умумий

<sup>18</sup> Бу ҳақда қаранг: Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Тошкент: Маънавият, 2000; Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920-1924 й.). - Тошкент: Маънавият, 2002; Ўша муаллиф. Туркистон Мухторияти вазирлари ҳамда Миллий Мажлис аъзолари ҳаёти ва тақдири. – Тошкент: Vodomzor-invest, 2021.

<sup>19</sup> Мирза Салимбек. Тарих-и Салими (источник по истории Бухарского эмирата). Перевод с персидского, вводная статья и примечания Н.К. Норкулова. – Ташкент: “Akademiya”, 2009. – С. 169-206.

<sup>20</sup>М.В. Фрунзе на фронтах гражданской войны. Сборник документов. –Москва: “Воениздат”, 1941. – С. 317.

йиғилишида Бутунбухоро Инқилобий Қўмитаси (раиси – Абдулқодир Муҳитдинов) ва республика ҳукумати – 11 кишидан иборат Халқ Нозирлар Шўроси (раиси – Файзулла Хўжаев) узил-кесил шаклланди.<sup>21</sup>

1920 йил 6–8 октябрда амирнинг ёзги саройи – Ситораи Моҳи Хосада Бутунбухоро халқ вакилларининг I қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда большевиклар асосан совет Россияси манфаатларини кўзлайдиган делегатларни кўпроқ чақиришга ҳаракат қилинди.

Мазкур қурултойда 1950 нафар делегатлар қатнашди<sup>22</sup>. Анжуманда Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ташкил топганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Шу тариқа, орадан бир ой ўтар-ўтмас, Бухоро Халқ Республикаси большевикларнинг қаттиқ талаби билан Бухоро Халқ Совет Республикасига айлантирилди<sup>23</sup>.

Бухорода янги ташкил топган БХСР давлати тузуми жиҳатидан халқ демократик республикаси эди. Унинг зиммасига қисқа муддат ичида ўрта асрчилик анъаналари мерос қолган амирлик Бухоросини демократик давлатга айлантиришдек тарихий вазифани бажариш тушди.

Қурултой давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий органи бўлган Бутунбухоро Марказий Инқилобий Қўмитаси (Марказий Ревком), Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси - дастлабки ҳукумат таркибини узил-кесил тасдиқлади. Уларнинг ваколат муддати II қурултойгача узайтирилди<sup>24</sup>.

Кадрлар сиёсати ҳамма пайт муҳим роль ўйнайди. Ҳар бир мамлакат ва халқ тараққиётида кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш ҳамда масъул лавозимларга тайинлаш масаласида давлат сиёсати даражасида қаралган. Бу ҳолатдан Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳам мустасно эмас эди. БХСР мавжуд бўлган 1920-1924 йилларда ҳукумат раҳбари Файзулла Хўжаев кадрлар сиёсатини тўғри юритишга ҳаракат қилган. БХСРда шаклланган миллий сиёсий элита вакиллари Бухоро давлати мустақиллиги масаласини доимий равишда кун тартибига қўйишда чарчамаганлар.

БХСРда 1920-1924 йилларда мавжуд бўлган миллий сиёсий элитани уч гуруҳга ажратиш мумкин: биринчиси, давлат ва ҳукумат раҳбарлари, нозирлар (олий элита), иккинчиси, совет ва хўжалик ходимлари, учинчиси, коммунистик партия ва жамоат ташкилотлари вакиллари. Бундан ташқари Бухорода совет Россиясининг сиёсий, хўжалик ва ҳарбий элитаси вакиллари ҳам турган.

БХСР раҳбарияти ёш республикада мутахассис кадрларни тайёрлаш ва тарбиялаш, уларни жой-жойига қўйиш масалаларига катта эътибор қаратди. Аввало Бухорода амир ҳокимиятидан мерос қолган ўрта асрларга хос давлат бошқаруви бекор қилинди. Унинг ўрнига демократик тамойилларга таянилган республика усули жорий қилинди. 1920 йил сентябр ойида Бухоро шаҳри атрофидаги вилоятлар ва йирик туманларга янги ҳокимият асосларини барпо

<sup>21</sup> Бу ҳақида қаранг ва таққосланг: Файзулла Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Тошкент: Фан, 1997. – Б.173; Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. Уч томлик. Том 1. –Тошкент: Фан, 1976. – Б.201–202.

<sup>22</sup> История Бухарской и Хорезмской Народных Советских Республик. - Москва: «Наука», 1971. С.130.

<sup>23</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Б.233.

<sup>24</sup> Ишанов А.И. Бухарская Народная Советская Республика. –Ташкент: Узбекистан, 1969. С. 215.

этиш учун Саъдуллахўжа Турсунхўжаев бошчилигида Контроль-инструкторлик комиссияси ташкил қилиниб, бу нуфузли комиссия жойларга жўнатилди. Комиссия таркибига БХСРнинг турли нозирликлари ва бошқа давлат органларининг вакиллари (қизил аскарлар билан биргаликда 61 нафар киши) киритилган эди<sup>25</sup>.

1921 йил 18-25 сентябрда бўлган Бутунбухоро халқ вакилларининг II қурултойида Марказий Инқилобий Қўмита (Бутунбухоро Марказий Ревкоми) тугатилиб, унинг ўрнига Бутунбухоро Марказий Ижроия Қўмитаси тузилди. БХСРдаги энг олий ҳокимият органи бўлган Бутунбухоро Марказий Ижроия Қўмитасининг биринчи раиси қилиб таниқли жадинлардан Усмон Хўжа (Усмонхўжа Пўлатхўжаев) сайланди.

БХСРдаги миллий раҳбар арбоблар ҳамда янги шаклланаётган замонавий мутахассис кадрлар ёш республикани ўзига хос хусусиятлари ҳамда маҳаллий аҳоли турмуш тарзи ва менталитетидан келиб чиққан ҳолда кадрлар сиёсатини белгилаш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Бироқ уларнинг бу ташаббус ва фикрлари доимий равишда Марказ вакиллари ва большевикларга ёқмас эди.

Россиядаги марказий ҳукумат Бухоро Халқ Совет Республикасида юзага келган оғир ҳолатдан ўз манфаати йўлида фойдаланиш учун Бухорода иқтисодий барқарорлик стратегиясини ишлаб чиқишга ҳамда большевикларга содиқ кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратди. Бу стратегияни амалга ошириш, бир томондан, миллий иқтисодиётни ва сиёсий барқарорликни тиклашга ёрдам берган бўлса, иккинчи томондан, совет Россияси билан БХСР ўртасида мавжуд иқтисодий муносабатлар тизимини мустаҳкамлашга имкон бериши кўзда тутилди. Кремль сиёсатдонларининг фикрича, бу стратегия “ҳарбий коммунизм” сиёсатидан янги иқтисодий сиёсатга ўтишнинг совет Россияси ва большевиклар моделига асосланган бўлиб, аҳолининг аксарияти (90 фоизга яқини) қишлоқ аҳли бўлган деҳқонлар мамлақатида социализмнинг иқтисодий негизини яратишга қаратилган эди<sup>26</sup>.

**“Бухоро Халқ Совет Республикаси ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида кадрлар фаолияти”** номли иккинчи бобда Бутунбухоро Марказий Инқилобий Қўмитаси ва жойларда ревкомларнинг тузилиши, БХСР Халқ Нозирлар Шўроси ва миллий раҳбар ходимлар фаолияти, Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси ва давлат бошқарувида маҳаллий кадрлар мавқеи, маориф ва соғлиқни сақлаш тизимидаги кадрлар аҳволи очиб берилган.

1920 йил сентябр оyi бошларида Бухоро Муваққат Инқилобий Қўмитаси амирлик тузуми ағдариб ташланганлиги ва мустақил Бухоро Республикаси тузилганлигини эълон қилди. 1920 йил 14 сентябрда бўлиб ўтган Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси, Марказий Инқилобий Қўмитаси ва Бухоро Компартияси Марказий Комитети умумий йиғилишида 9 кишидан иборат Бутунбухоро Марказий Инқилобий Қўмитаси (раиси Абдулқодир Мухитдинов) ташкил

<sup>25</sup> История Бухарской Народной Советской Республики. (1920-1924 гг.). Сборник документов. – С.51-52.

<sup>26</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев. – Тошкент: “Шарқ”, 2000. –Б. 234-235.

топди. Бутунбухоро Марказий Инқилобий Қўмитаси (Марказий Ревком) таркибига Абдулқодир Муҳитдинов (раис), Муинжон Аминов, Олим Акчурин, Абдулҳамид Орипов (раис муовини), Собиржон Юсупов, Ҳожи Ҳасан Иброҳимов, Мукаммил Бурҳонов, Файзулла Хўжаев ва Муҳаммад Қулмуҳаммедов (аъзолар) каби миллий раҳбар ходимлар киритилди. Аҳмаджон Абусаидов Инқилобий Қўмита раиси лавозимидан озод қилиниб, унинг ўрнига Абдулқодир Муҳитдинов бу масъул лавозимга тайинланди<sup>27</sup>.

Хуллас, БХСРда маҳаллий кадрлар фаолиятини йўлга қўйиш республика тузуми ўрнатилган дастлабки кунлардан бошланган. Бутунбухоро Марказий Инқилобий Қўмитаси ўзининг бир йилдан сал ортиқ давом этган фаолияти давомида (1920 йил сентябрь – 1921 йил сентябрь) давлат ҳокимиятининг фавқулодда олий органи сифатида катта ишларни амалга оширди. Марказий ревком томонидан БХСР вилоятлари ва туманларида инқилобий қўмиталар (ревкомлар) ташкил қилиниб, бу ревкомлар орқали маҳаллий аҳолини янги ҳокимият тузилмаларига тортиш, совет ҳокимияти асосларини ўрнатишга ҳаракат қилинди. Бироқ Марказий ревком ҳам, маҳаллий ревкомлар таркиби ҳам кўпроқ коммунистлардан иборат эди. Ревкомлар ўз вазифаларини бажаргач, сайлов йўли билан ташкил қилинадиган марказий ва маҳаллий ижроия қўмиталарига ўз ўрнини бўшатиб берди.

Файзулла Хўжаев кейинчалик ёзган ўзининг асарида Бухородаги дастлабки ҳукумат таркибини куйидагича кўрсатади: Файзулла Хўжаев (раис ва ташқи ишлар нозири), Қори Йўлдош Пўлатов (маориф нозири), Абдулқодир Муҳитдинов (ер ишлари нозири), Мухторжон Саиджонов (ички ишлар нозири), Усмон Хўжа [Усмонхўжаев] (молия нозири), Нажиб Ҳусаинов (давлат контроли нозири), Юсуф Иброҳимов (фавқулодда комиссия раиси), Мукаммил Бурҳонов (адлия нозири), Баҳовуддин Шихабуддинов (ҳарбий ишлар нозири)<sup>28</sup>. Баъзи тарихий тадқиқотларда дастлабки ҳукумат таркибида кейинчалик рўй берган айрим ўзгаришлар куйидагича ёзилади: Абдурахим Юсуфзода (ер ишлари - деҳқончилик нозири), Мирзо Муҳиддин Мансуров (савдо ва саноат нозири), Мирзо Исом Муҳитдинов (озик-овкат нозири) қилиб киритилди. Ҳукумат таркиби Бухородаги тараққийпарварлар, яъни миллий раҳбар ходимлардан ташкил этилди.

Бухоро жаидлари ўзларининг ислохотчилик ғояларини янги ҳукуматдаги фаолиятлари давомида амалга оширишга интилдilar.

Бугунги тушунча билан айтганда Файзулла Хўжаев БХСР ҳукуматининг Бош вазири бўлганда 24 ёшда эди. XX аср Ўзбекистон ва жаҳон тарихида бундай навқирон Бош вазир бошқа учрамайди. Ф.Хўжаев БХСР ҳукуматини 4,5 йил давомида маҳорат билан бошқарди. У Ўзбекистон ССР ҳукуматини бошқаришга киришган пайтда 28 ёшни тўлдирган бўлиб, бу лавозимда у

<sup>27</sup> Қаранг ва такқосланг: Ишанов А.И. Бухарская Народная Советская Республика. – Ташкент: Ўзбекистон, 1969. – С. 204; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917-1939 йиллар. – Б.135.

<sup>28</sup> Бир-бирига қаранг ва такқосланг: Файзулла Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Б.173; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Тошкент: “Шарк”, 2001. – Б.193; Ражабов К. Файзулла Хўжаев. – Тошкент: “Abu matbuot-consalt”, 2011. – Б.20.

муттасил 13 йилга яқин фаолият кўрсатди. У ўзбек халқи ва Ўзбекистон манфаатлари учун ўзининг шахсий ҳаёти ҳамда ширин жонини қурбон қилди<sup>29</sup>.

БХСР ҳукумати таркиби ҳужжатларда ёзилганда Бош вазир ҳамда Хорижий [Ташқи ишлар] халқ нозиридан кейин Маориф халқ нозирини Пўлатов [Қори Йўлдош Пўлатов] фамилияси келади. *Қори Йўлдош Пўлатов (1890-1965)* Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаларидан биридир. У Карки шаҳрида ўзбек уламоси оиласида туғилган. Мир Араб мадрасасида таҳсил олган. Янги усул мактаблари очган ва муаллимлик қилган. Ёш бухороликлар фирқасининг Карки шуъбаси бошлиғи (1912 йилдан) бўлган.

Бутунбухоро халқ вакилларининг 1921 йил 18-23 сентябрда бўлган II курултойида демократик руҳдаги Бухоро Халқ Совет Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни) илк марта қабул қилинди. Бу курултойда Бутунбухоро МИК Президиуми ва Халқ Нозирлар Шўроси таркиби ҳам сайланди.

Бутунбухоро халқ вакилларининг II курултойида БХСР Нозирлар Шўросининг раиси ва Ташқи ишлар халқ нозирини Файзулла Хўжаев ўз лавозимини сақлаб қолди. Бу гал ҳукумат таркиби 10 та халқ нозирлигидан иборат қилиб тузилди ҳамда нозирлар таркибига жиддий ўзгаришлар киритилди. Ҳукумат таркибига Абдулқодир Муҳитдинов Иқтисодиёт нозирини сифатида биринчи марта жалб қилинди. Биринчи ҳукуматда унинг отаси Муҳиддин Мансуров ва акаси Мирзо Исом Савдо ва саноат халқ нозирлигини бошқаришган эди. Отаулла Хўжаев эса ҳукумат таркибига янги аъзо сифатида киритилиб, Ички ишлар халқ нозирини лавозимини эгаллади (Мухторжон Саиджонов ўрнига). Аваалги ҳукуматда Фавқулодда комиссия раиси бўлган Юсуф Ибрагимов Ер-сув ишлари халқ нозирини (Абдурахим Юсуфзода ўрнига) лавозимини эгаллади. Абдулҳамид Орифов Ҳарбий ишлар халқ нозирини бўлди (Файзулла Хўжаев ўрнига). Фақат Маориф халқ нозирини Қори Йўлдош Пўлатов ўз лавозимини сақлаб қолди. Курултойда Бутунбухоро Марказий Ижроия Кўмитасининг биринчи раиси лавозимига сайланган Усмон Хўжа ўрнига Ҳошим Шойиқ Молия халқ нозирини бўлди. Мухтор Саиджонов Давлат назорати нозирини бўлди (Нажиб Хўсаинов ўрнига). Ҳукумат таркибида янги нозирлик бўлган Меҳнат ва ижтимоий таъминот халқ нозирлигини Ҳакимов [Носир Ҳакимов] бошқаришга киришди<sup>30</sup>.

1921 йил 21 сентябрда қабул қилинган Бухоро Халқ Совет Республикаси Конституциясига кўра Халқ Нозирлар Шўроси ҳукумати янги таркибининг тузилиши Бутунбухоро Марказий Ижроия Кўмитасида кўриб чиқилади. Ҳукумат таркибига Халқ Нозирлар Шўроси раиси: 2 нафар

---

<sup>29</sup> Файзулла Хўжаев Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси бўлиб ишлаб турган пайтда совет режими томонидан қатағон қилинди. У 1937 йил 9 июлда Москвадаги “Националь” меҳмонхонасида камокка олинди. Москвада 1938 йил 2-13 март кунлари бўлиб ўтган антисовет “ўнг троцкийчи блок” (21 киши, улар орасида Бухарин, Риков, Томский, Зеленский, Иванов, Акмал Икромов ва бошқалар бор эди) иши юзасидан очиқ суд қилиниб, ўлим жазосига ҳукм қилинди. Ҳукм 1938 йил 15 мартда Москва вилоятининг Коммунарка қатлгоҳида ижро этилди.

Файзулла Хўжаев вафотидан сўнг СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг 1965 йил 6 мартдаги қарорига кўра оқланган.

<sup>30</sup> Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 15-иш, 7-варак.



ҳамраис ва адлия, ички ишлар, ҳарбий ишлар, маориф, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот, савдо ва саноат, молия, ер ишлари ва давлат назорати халқ нозирлари кирди<sup>31</sup>.

БХСР Нозирлар Шўроси давлат бошқарувида олий орган ҳисобланиб, ўзининг ижроия ташкилотчилик ҳокимиятининг тўлақонлилиги билан ажралиб турган. БХСР Нозирлар Шўроси айрим нозирларнинг фаолиятини бирлаштириб ва йўналтириб уларни ягона мақсадга бошлаб, мамлакатнинг бутун хўжалик ва маданий ҳаётини бошқарган. Нозирлар Шўроси ўз ишида ҳукумат раисларини тайинлаш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлган БХСР Марказий Ижроия Қўмитасига тўлиқ ҳисобот берган<sup>32</sup>.

БХСР Конституциясининг VI бўлими “БХСР Халқ Нозирлар Шўроси ҳақида” деб номланган бўлиб, 31-41-моддалар ҳукумат фаолиятига бағишланган Конституцияга кўра, Халқ Нозирлар Шўроси ўз фаолияти давомида Бутунбухоро Советлари курултойлари (съездлари) ҳамда Бутунбухоро МИК (Всебух ЦИК) олдида жавобгардирлар. Ҳукумат, яъни Халқ Нозирлар Шўроси алоҳида Халқ Нозирликларига бўлинади, бу нозирликлар тепасида Халқ Нозирлари, яъни Халқ Нозирлар Шўросининг аъзолари ўтиради. Ҳар бир Нозирлик (Назиратов) давлат ҳаётининг мустақил соҳасини бошқаради.

Конституцияда ёзилишича, Бухородаги ҳар бир Нозирнинг ўринбосари бўлган, бу ўринбосар Нозир йўқ вақтда уни алмаштирган ҳамда энг яқин ёрдамчиси бўлган. Халқ Нозирлар Шўроси таркибига фақат Халқ Нозирлар Шўросининг Раиси, яъни ҳозирги тушунча билан айтганда, Бош вазир (Ҳукумат раиси) ҳамда Халқ Нозирлари кирган.

Конституциянинг 39-моддасига кўра, БХСРда 10 та Халқ Нозирликлари ташкил қилинади: а) адлия (юстиция); б) ички ишлар; в) ташқи ишлар; г) ҳарбий ишлар; д) маориф; е) соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот; ж) савдо ва саноат; з) молия; и) ер ишлари (деҳқончилик); к) давлат назорати<sup>33</sup>. Хуллас, БХСР ҳукумати таркиби раис ва нозирлар (11 киши)дан иборат бўлиши Конституцияда қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилди.

БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси лавозимларида бу даврда Усмон Хўжа (1921-1922), Муинжон Аминов (1922 йил март-август), Порсо Хўжаев (1922-1924) фаолият кўрсатган.

Бухоро Марказий Ижроия Қўмитасининг дастлабки раиси лавозимига II курултой қатнашчилари томонидан 1921 йил сентябрда таниқли давлат арбоби Усмон Хўжа сайланди. *Усмон Хўжа* [*Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли; Усмон Хўжаев*] (1878-1968) – Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндаси, машҳур давлат ва жамоат арбоби саналади.

Бухоро шаҳрида йирик савдогар Пўлатхўжа Кароматуллоҳ ўғли хонадонида туғилган<sup>34</sup>. Айрим тарихий адабиётларда уни Ўш шаҳрида

<sup>31</sup> Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 13-иш, 100-варак.

<sup>32</sup> Съезды Советов в документах. 1917-1936. Сборник документов в трех томах. Том II. 1917-1922 гг. – Москва: Госиздат юридической литературы, 1960. – С. 573.

<sup>33</sup> Съезды Советов в документах. 1917-1936 гг. Том II. 1917-1922 гг. – С. 573.

<sup>34</sup> Ражабов Қ., Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа. – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2011. – Б. 4-5.

туғилганлиги айтилади<sup>35</sup>. Усмон Хўжанинг онаси Фотима ойим айнан Ўшдан бўлган солиҳа аёл эди.

Усмон Хўжа Бухорода мадраса таҳсилини олгач, бу ерда дастлабки янги усул жаҳид мактабларидан бирини очган. У 1908 йилдан Истанбулда дўсти Ҳомид Хўжа (Ҳомидхўжа Меҳрий) билан биргаликда ўқиган. Турк тарихчиси Меҳмед Саройнинг ёзишича, Туркия ҳукумати бухоролик бу иккала дўстнинг Истанбулга қилган ташрифига расмий тус бериб, уларни шахсан ҳукуматнинг ҳарбий нозири Анвар Пошо (1881-1922) кутиб олган ва ўзаро мулоқотда бўлган, деб маълумот бериши ҳам муҳимдир. Усмонли турк султонлигида 1908-1912 йилларда тўрт йил таълим олган Усмон Хўжа ва Ҳомидхўжа Меҳрий бир олам умидлар билан Бухорога қайтадилар<sup>36</sup>.

1912 йил бошларида Усмон Хўжа Бухорога қайтгач, “Тарбияи атфол” махфий ташкилотининг фаол аъзоларидан бирига айланган. 1917 йили у Ёш бухороликлар партияси Марказий Қўмитаси таркибига киритилган<sup>37</sup>. Колесов воқеасидан сўнг, Тошкентда 1918 йил апрелда у Ёш бухороликларнинг сўл эсерлар гуруҳини тузган. Ёш бухороликлар партияси Туркистон Марказий бюросининг аъзоси (1920 йил февраль).

Усмон Хўжа Бухорода амирлик ҳокимияти ағдарилиб, республика тузуми ўрнатилгач, БХСРнинг дастлабки ҳукуматида Молия халқ нозири (1920-1921), Давлат назорати нозири (1921) лавозимларида фаолият кўрсатди<sup>38</sup>.

1921 йил 21 сентябрда Бутунбухоро Советлари МИҚ раиси Усмон Хўжа Шарқий Бухорога жўнатилади. Унга Али Ризобек ва Дониёлбек бошчилигидаги 700 кишилиқ кўшин ҳамда 7 та тўп ҳамроҳлик қилган. 1921 йил ноябрь ойи ўрталарида у Ҳисор воҳаси ва Душанбе шахрига етиб келади.

Архив ҳужжатларида келтирилишича, Усмон Хўжа БХСРнинг фавқулодда вакили сифатида Шарқий Бухорода хизмат сафарида юрган даврида, яъни 1921 йил 9 декабрда ўз ёрдамчилари: ҳарбий ишлар нозири муовини Али Ризобек, Термиз гарнизони кўмондони Ҳасанбек ва Дониёлбек ёрдамида Душанбе гарнизонидаги қизил аскарлар отрядини қуролсизлантиришган. Усмон Хўжа 1922 йил январь ойи бошларида ўз ихтиёридаги миллий ҳарбий қисмлар билан биргаликда Бехбудий (ҳозирги Қарши) шахрига келади<sup>39</sup>. Бу ерда турганида у узил-кесил бир қарорга келиб, совет ҳокимияти билан алоқани бутунлай бузган ва истиклолчилар томонига ўтган. У кейинчалик Кобулга келган<sup>40</sup>. Айрим фикрларга қараганда, Усмон Хўжа 1922 йил февраль ойида Кобулга Афғонистон давлати билан музокаралар ўтказиш учун борган.

Усмон Хўжанинг Афғонистондан Бухорога қайтмаслиги аниқ бўлгач, Бутунбухоро Марказий Ижроия Қўмитаси раиси вазифасини бажаришга 1922 йил баҳоридан бошлаб Муинжон Аминов киришди. У аввал Усмон Хўжанинг ўринбосари бўлган эди.

<sup>35</sup> Исомиддинов З. Она юртим – Қирғизистон, Ўш... – Бишкек: Улуу тоолар, 2019. – Б. 247-248.

<sup>36</sup> Ражабов Қ., Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа. – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2011. – Б. 7.

<sup>37</sup> Файзулла Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Б. 96.

<sup>38</sup> Ўзбекистон миллий архиви, 58-фонд, 1-рўйхат, 131-иш, 74-варақ; 62-фонд, 1-рўйхат, 403-иш, 5-варақ.

<sup>39</sup> Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 20-иш, 90-варақ.

<sup>40</sup> Ражабов Қ., Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа. – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2011. – Б. 17.

Бутунбухоро халқ вакилларининг 1922 йил 15-18 августда бўлиб ўтган III курултойида Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси раиси лавозимига Порсо Хўжаев (Муинжон Аминов ўрнига) сайланди. У бу лавозимда 1924 йил ноябрь ойи охиригача, яъни БХСР тугатилган давргача фаолият кўрсатади.

*Порсо Хўжаев [Порсо Хўжа Ҳасан ўғли]* (1867-1937) – Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндаларидан бири, давлат ва жамоат арбоби ҳисобланади.

